

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**РАДЖИБАЕВ ДИЛШОД ПАТИДИНОВИЧ**

**НЕФТЕГАЗОКОНДЕНСАТ АРАЛАШМАЛАРИНИ  
РЕКТИФИКАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИНИНГ ИССИҚЛИК  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**02.00.08 - «Нефть ва газ кимёси ва технологияси»**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)**

**Раджибаев Дилшод Патидинович**

Нефтегазоконденсат аралашмаларини ректификациялаш  
жараёнининг иссиқлик самарадорлигини ошириш..... 3

**Раджибаев Дилшод Патидинович**

Повышение тепловой эффективности ректификации  
нефтегазоконденсатных смесей ..... 21

**Radjibayev Dilshod Patidinovich**

Improving the thermal efficiency of rectification of oil and gas  
condensate mixtures ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**РАДЖИБАЕВ ДИЛШОД ПАТИДИНОВИЧ**

**НЕФТЕГАЗОКОНДЕНСАТ АРАЛАШМАЛАРИНИ  
РЕКТИФИКАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИНИНГ ИССИҚЛИК  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**02.00.08 - «Нефть ва газ кимёси ва технологияси»**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.Ph/T163 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтида бажаришган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида [www.tkti.uz](http://www.tkti.uz) «Ziyonet» ахборот таълими порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлашган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Худайбердиев Абсалом Абдурасулович</b> техника фанлари доктори, катта илмий ходим
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Фозилов Садриддин Файзуллаевич</b> техника фанлари доктори, профессор
	<b>Раҳмонов Тойир Зойирович</b> техника фанлари доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот</b>	<b>«O'ZLITINEFTEGAZ» АЖ</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc 03/30.12.2019. T.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг «22» 19 2021 йил соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй). Тел: (99871) 244-79-20; факс (99871) 244-79-17.

Диссертация иши билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (183 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй). Тел: (99871) 244-79-20; факс (99871) 244-79-17.

Диссертация автореферати 2021 йил «25» 11 кунга тарқатилади.  
(2021 йил «25» 11 рақамли реестр баённомаси)



**Туробжонов С.М.**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Қодиров Х.И.**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

**Раҳмонбердиев Г.Р.**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар  
раислик қилувчи, к.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясининг (PhD) аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда нефт хомашёсини ректификациялаш жараёнини такомиллаштириш ва нефтни ҳайдаш ускуналаридан чиқарилаётган қайноқ технологик оқимлар иссиқлигини тўлиқ утилизация қилишга асосланган энергия тежамкор технологияларни яратиш бўйича ҳозирги пайтда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу ўринда углеводород хомашёларига иссиқлик ишлови бериб, уларни ҳайдаш босқичига тайёрлаш ва ишлаб чиқариладиган ёнилғи фракциялари сифатини яхшилашга оид технологик муаммолар ечимига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу сабабли, бирламчи ҳайдаш технологиясини такомиллаштириш ва углеводород хомашёсини ректификация йўли билан фракцияларга ажратиш аниқлигини орттириш масалалари халқаро стандартлар талабларига мос келувчи сифатли нефт маҳсулотлари ишлаб чиқаришда катта аҳамиятга эга.

Дунёда мотор ёнилғиси ишлаб чиқариш технологияси углеводородли хомашёни ўта қиздирилган сув буғи иштирокида мураккаб ҳайдашга асосланган бўлиб, ушбу катта миқдорда энергия талаб этадиган жараённи оптималлаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада тарелкали ректификация колоннаси баландлиги бўйича буғ ва суюқлик фазалари ҳароратларининг тақсимланишини аниқлаш, сифатли дистиллят ажратиш олишнинг замонавий энергия тежамкор услублари ва қурилмаларини яратиш, уларни қўлланиш соҳаларини кенгайтириш, ҳамда технологик оқимларнинг гидродинамик режимларини ректификация колоннаси ишининг самарадорлигига таъсирини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда нефтни бирламчи ҳайдаш технологиясини такомиллаштириш, ҳайдаш ускунаси самарадорлигини ошириш ва ректификация колоннасининг ихчам, интенсив конструкцияларини яратиш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган тармоқларни жадал ривожлантириш асосида саноатни сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш, уни модернизациялаш ва диверсификация қилиш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан нефтни ҳайдаш ускунасининг иссиқлик ва гидродинамик режимларини оптималлаштириш, хомашёни қиздириш босқичида технологик оқимлар иссиқлигидан фойдаланиш улушини орттириш ва нефтни ҳайдаш ускунасининг асосий жиҳози - ректификация колоннасини унда амалга ошириладиган иссиқлик ва масса узатиш (ИМА) жараёнларини жадаллаштириш асосида модернизациялашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Фармони, 2017 йил 19 апрелдаги ПҚ-2901-сон «Нефт-газ тармоғида лойиҳалаш ишларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш», 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3238-сон «Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари» ва 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4077-сон «Ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, саноат тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Углеводород хомашёсини қайта ишлаш технологиясини ривожлантириш, технологик жиҳозларнинг янги конструкцияларини яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш, нефтни ҳайдаш жараёнларининг технологик режимларини мақбуллаштириш ҳамда моддий ва иссиқлик ресурсларини тежаш йўналишларида С.А. Ахмедов, О.Ф. Глаголева, В.М. Капустин, А.К. Мановян, С.А. Багатуров, А.И. Александров, А.И. Скобло, З. Салимов, Н.Р. Юсупбеков, А. Ортиқов, Р.Ч. Ли, Ш.М. Сайдахмедов, С.М. Турабжонов, С.А. Абдурахимов, Т.З. Рахмонов, О.Р. Абдурахмонов, А.М. Хурмаматов, А.А. Худайбердиев ва бошқалар тадқиқотлар олиб боришган.

Улар томонидан нефтни қайта ишлаш усуллари такомиллаштирилди, технологик жараёнларнинг назарий асослари ривожлантирилди, жиҳозларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш услублари аниқлаштирилди, нефтни ҳайдаш жараёнида углеводород буғларини қўллаш асослари шакллантирилди, кўп компонентли эритмалар ва суюқ углеводород аралашмаларини қиздириш, дистилляциялаш ва ҳайдаш жараёнларини моделлаштириш натижалари саноатга жорий этилди.

Бугунги кунда дунёда сув буғи ўрнига муқобил углеводородли иссиқлик ташувчиларни қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш, юқори ҳароратда ректификация колоннасидан чиқарилаётган қайноқ технологик оқимлар иссиқлигидан самарали фойдаланиш, хомашё ҳароратини технологик зоналар баландлиги бўйича тақсимланиши асосида тезкор ИМА қурилмаларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, суюқлик ва газ фазаларининг ўзаро таъсири асосида кечадиган ИМА жараёнларини жадаллаштириш йўли билан ректификация колонналари самарадорлигини ошириш бўйича ўтказиладиган тадқиқотлар суюқ углеводородларни фракцион ажратиш технологиясини мукамаллаштиришнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ФА-А13-Т001 «Масса алмашиниш жараёнларини

жадаллаштириш асосида нефт ва газ конденсати аралашмаларини ректификация қилишнинг юқори самарали технологиясини яратиш» (2012-2014 йй.), 7-ФА-О-10065- «Нефт ва газ конденсати аралашмаларини қуруқ ҳайдаш технологияси бўйича илмий-техник ҳужжатларни тайёрлаш ва унинг саноат тажриба синовларини ўтказиш» (2014-2015 йй.) мавзуларидаги амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда №13-16/7-396/031 - «Гидродинамик режимларни оптималлаштириш йўли билан стриппинг-колонналарда ёнилғи фракцияларини буғлатишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» (2013-2015 йй.) хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** нефтни бирламчи ҳайдаш ускунасида нефтегазоконденсат аралашмасини ректификациялаш жараёнининг иссиқлик самарадорлигини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

турлича нисбатлардаги таркибий компонентли нефтегазоконденсат аралашмаларининг фракцион таркибини аниқлаш;

хомашё ва фракция дистиллятларининг асосий физик-кимёвий ва иссиқлик физик хоссаларини 20÷200 °С ва 40÷300 кПа чегараларда тадқиқ этиш;

нефтегазоконденсат аралашмасини ҳайдаш жараёнида буғ ва суюқлик фазалари ҳароратларини тарелкали тажрибавий ректификация колоннаси баландлиги бўйича тақсимланишини ўрганиш;

технологик параметрлар (ишчи босим, аралашма таркиби, хом ашё ва флегма ҳароратлари ва сарфлари) ва оқимларнинг гидродинамик режимларини ректификация колоннаси ишининг самарадорлигига таъсирини тадқиқ этиш;

хомашёни ҳайдаш жараёнининг технологик ҳисобларини бажариш;

нефтегазоконденсат аралашмасини ректификациялаш жараёнининг ёнилғи фракцияларини ажратиш аниқлигини ошириш имконини берувчи иссиқлик режимини мақбуллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

нефтни қайта ишлаш заводи (НҚИЗ) шароитида бирламчи ҳайдаш ускунасининг ректификация колоннаси иссиқлик самарадорлигини оширишнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида нефт, газ конденсати ва уларнинг турлича нисбатлардаги аралашмалари ҳамда хомашёни ҳайдаш жараёнида ҳосил бўладиган ёнилғи фракцияларининг буғ ва суюқлик фазаларидаги дистиллятлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** нефтегазоконденсат аралашмаларини углеводородли иссиқлик ташувчилар билан ректификациялаш жараёнлари ва қурилмалари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда тажрибаларни режалаштириш, нефт ва нефт маҳсулотлари хоссаларини аниқлаш, тажриба натижаларини компьютерда қайта ишлаш ҳамда ўлчашнинг аниқ усуллари ва замонавий ўлчов-назорат асбобларидан фойдаланиб тажрибалар ўтказишнинг умумқабул қилинган ва синалган услубларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

нефт ва унинг фракциялари дистиллятлари ҳароратларини ректификация колоннаси баландлиги бўйлаб тақсимланиш қонуниятлари аниқланган;

хомашё таркиби, ҳарорати ва сарфини ҳамда флегма сарфи ва ҳароратини ректификация жараёнининг иссиқлик самарадорлигига таъсири исботланган;

дистиллят фракцияларини ажратиш самарадорлигини ошириш имконини берувчи флегма сонининг оптимал қийматлари аниқланган;

нефтегазоконденсат аралашмасини углеводород буғлари билан ҳайдаш жараёнининг рационал технологик ва гидродинамик режимлари аниқланган;

нефтни бирламчи ҳайдаш ускунасининг ректификация колоннаси тубидаги клапанли тарелкани ағдарма типдаги тарелкага алмаштириш билан нефтегазоконденсат аралашмасини ректификациялаш жараёни такомиллаштирилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

нефтегазоконденсат аралашмалари ва дистиллятларнинг фракцион таркиби, асосий физик-кимёвий ва иссиқлик физик хоссаларини 20÷200 °С ва 40÷300 кПа да ўзгариш чегаралари аниқланган;

ректификация колоннасида нефт ва газ конденсати аралашмаларини фракцияларга ажратишнинг рационал технологик ва гидродинамик режимлари аниқланиб, унинг иссиқлик режимини ростлаш бўйича тавсия ишлаб чиқилган;

ректификация колоннасини туб қисмидаги клапанли тарелкани ағдарма типдаги тарелкага алмаштириб, нефтегазоконденсат аралашмасини ректификациялашнинг мақбул шароитлари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** назарий натижаларни муаллифнинг экспериментал тадқиқотлари натижалари, адабиётларда келтирилган тажрибавий маълумотлар ва улардан фойдаланиб бажарилган назарий ҳисоблашлар натижалари билан ўзаро мослиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ректификация колоннаси иссиқлик самарадорлигини оширишнинг илмий асосланган услуби аниқланганлиги ва ундан мақсадли фойдаланиб нефтегазоконденсат хомашёсини фракцияларга ажратишнинг энергия ва ресурс тежамкор режими ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ректификация колоннаси ва унинг циркуляцион суғориш контурларининг самарали иссиқлик режимлари аниқланганлиги, колоннани ишлатиш ва таъмирлаш шароитларини енгиллаштириш мақсадида унинг тубидаги клапанли тарелкани ағдарма типдаги тарелкага алмаштириш бўйича техник ечим берилганлиги ҳамда хомашё ва иссиқлик ташувчилар хоссаларини эътиборга олган ҳолда масса алмашиниш қурилмаларини рационал лойиҳалаш услубини ишлаб чиқишга ҳизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Нефтегазоконденсат аралашмаларини ректификациялаш жараёнининг иссиқлик самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий-амалий натижалар асосида:

нефтни бирламчи ҳайдаш ускунасида нефтегазоконденсат аралашмасини ректификациялаш жараёнининг иссиқлик самарадорлигини ошириш технологияси «Бухоро НКИЗ» МЧЖнинг «амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2021 йилни 9



сентябридаги 03-17-5/132-сон маълумотномаси). Натижада, ректификация колоннасининг иссиқлик самарадорлигини 20÷30 фоизга ошириш (3952 кВт), ҳарорат режимини рационал чегараларда ростлаш ва ишлаб чиқарилаётган нефт маҳсулотлари таннархини пасайтириш имконини берган;

ректификация колоннасининг туб қисмига ағдарма типдаги тарелка ўрнатиш билан такомиллашган нефтегазоконденсат аралашмасини ҳайдаш технологияси «Ўзбеккимёмаш заводи» АЖнинг «амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2021 йилни 9 сентябридаги 03-17-5/132-сон маълумотномаси). Натижада, маҳаллий углеводород хомашёларини фракцияларга ажратувчи тарелкали ректификация колоннасининг янги самарали конструкцияларини лойиҳалаш, суъний босим ошиш жараёнини олдини олиш ва сувсизлантирилган нефт маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг асосий натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп эттириш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 мақола, шу жумладан 4 та хорижий ва 5 та республика журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 127 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотни Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тарақиётининг устивор йўналишларга мувофиқлиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг аниқлиги асосланиб, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Суюқ углеводород хом ашёсини ҳайдаш назарияси ва амалиётининг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида илмий-техник адабиётларда келтирилган нефтни ҳайдаш жараёни назарияси ва амалиёти, технологик параметрларни ректификация жараёни самарадорлигига таъсири, углеводород хомашёси ва фракциялари дистиллятларининг асосий хосса кўрсаткичларини аниқлаш формулалари, хомашёни бирламчи ҳайдаш босқичини амалга ошириш услублари ва уларни аппаратуравий шакллантиришнинг алоҳида хусусиятларига оид маълумотлар таҳлил қилинган. Адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлили натижалари асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «Нефтегазоконденсат аралашмаси ва фракциялар дистиллятларининг хоссаларини ўрганиш» деб номланган номли иккинчи бобида хомашё (нефт, газ конденсати ва уларни аралашмалари) ва уни ҳайдаш жараёнида ҳосил бўлувчи дистиллятларнинг фракцион таркиби, асосий физик-кимёвий ва иссиқлик-физик хоссаларини аниқлаш натижалари баён этилган.

Ҳосил қилинган фракциялар дистиллятларининг таркиби ва сифат кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш мақсадида тажрибалар ГОСТ 2177-99 га мувофиқ, сув буғи (назорат) ва углеводород хомашёси буғларидан фойдаланиб, оддий ҳайдаш услубида ўтказилди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### 30%Н+70%ГК аралашмасини сув ва углеводород буғлари билан ҳайдаш орқали олинган фракцияларнинг физик хоссалари ва фракцион таркиби

№	Кўрсаткичлар номи	Атмосфера босими остида ҳайдаш пайтида олинган фракцияларнинг физик-кимёвий хоссалари					
		сув буғи билан			углеводород буғлари билан		
		бензин	керосин	дизель ёнилғиси	бензин	керосин	дизель ёнилғиси
1	20 °С ҳароратдаги зичлиги, кг/м <sup>3</sup>	740	790	820	735	785	815
2	Сув микдори, %	-	0,04	0,03	-	0,025	0,025
3	20 °С ҳароратдаги қовушқоқлиги, мм <sup>2</sup> /с	0,721	1,876	3,049	0,717	1,799	3,048
4	Фракцион таркиби:						
	- бошлангич қайнаш ҳарорати, °С	70	100	140	60	160	216
	10 %	78	160	160	70	184	234
	20 %	88	180	196	88	192	240
	30 %	92	190	204	92	196	244
	40 %	98	196	208	98	200	249
	50 %	102	206	217	102	205	253
	60 %	108	210	242	108	210	259
	70 %	115	218	257	115	216	264
	80 %	126	230	276	126	224	276
	90 %	160	240	296	160	238	286
	95 %	176	244	310	176	240	315
	- қайнашни тугаш ҳарорати, °С	178	244	342	176	240	340
5	Чиқиши, %	96,0	94	93,5	96,5	95,5	95,2
6	Қолдик, %	3,0	5,0	5,5	2,5	3,5	3,8
7	Йўқотилишлар, %	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0


Тажрибалар натижалари 30%Н+70%ГК аралашмаси углеводород буғлари билан ҳайдалганда (сув буғи ишлатилган ҳолатга нисбатан) бензин (0,5 %) ва керосин (1,5 %) фракцияларини чиқиш фоизи ортишини, дизел ёнилғисини эса камайишини (-1,7 %) кўрсатди. Бу пайтда олинган дистиллятлар зичлиги ўртача 5 кг/м<sup>3</sup> га камайиб, уларни қовушқоқлиги ҳам пасаяди (мм<sup>2</sup>/с): бензин 0,04 га, керосин 0,077 га, дизел ёнилғиси қовушқоқлиги эса аксинча 0,001 га ортади.

Тажрибалар углеводород буғларидан фойдаланиб ҳайдаш ҳароратини  $2\div 4^\circ\text{C}$  га пасайтириш, дистиллятларни сувланиш эҳтимолини олдини олиш ва шу тариқа уларнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш мумкинлигини кўрсатди.

1-расмда 30%Н+70%ГК аралашмасини углеводород буғлари билан ҳайдаш жараёнида ҳароратни фракциялар чиқишига таъсири акс эттирилган. Дистиллятлар қайнаш ҳарорати эгри чизиқларининг ўзгариши характери жараён ҳароратини кўтарилиши билан фракциялар чиқиш фойзи ортиб боришини кўрсатади.

Углеводород хом ашёсининг зичлиги, қовушқоқлиги ва иссиқлик сифими ҳайдаш ускунаси технологик режимини танлаш, ИМА жиҳозларини ҳисоблаш ва лойиҳалашда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабдан хомашё ва фракцияларнинг ушбу хосса кўрсаткичларини жараён ҳарорати ва босимига боғлиқ ўзгариши ўрганилди.


Нефт, газоконденсат ва улар аралашмалари зичлигини аниқлаш тажрибалари ГОСТ 3900-85 бўйича ареометрик усулдан фойдаланиб ўтказилди.  $20\text{-}200^\circ\text{C}$  ҳароратларда таркибида нефт миқдори кам бўлган 30Н+70ГК нефтегазоконденсат аралашмаси зичлиги  $786,57\text{-}635,02\text{ кг/м}^3$ , нефт миқдори кўп бўлган 70Н+30ГК аралашманинг зичлиги эса  $818,56\text{-}665,62\text{ кг/м}^3$  чегараларда камайд.



1- 100 кПа; 2 - 150 кПа; 3- 200 кПа;  
4 - 250 кПа; 5- 300 кПа

2-расм. Тажрибавий ректификация колоннасида бензин буғлари зичлигини  $20\div 80^\circ\text{C}$  ва  $100\div 300\text{ кПа}$  да ўзгариши

ўзгариш характери аниқланди (2-расм). Ҳисоблашлар ҳароратни 20 дан  $350^\circ\text{C}$  гача ортиши билан бензин, керосин ва дизел ёнилғиси фракциялари буғлари зичлиги мос равишда 1,54, 1,13 ва 1,17 марта камайишини кўрсатди. Бу пайтда ректификация колоннасида босимни 100 дан 300 кПа гача кўтарилиши ҳосил



1-расм. 30%Н+70%ГК аралашмасини углеводород буғлари билан ҳайдаш жараёнида ҳароратнинг фракциялар чиқишига таъсири


ҳисоблаш ва лойиҳалашда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабдан хомашё ва фракцияларнинг ушбу хосса кўрсаткичларини жараён ҳарорати ва босимига боғлиқ ўзгариши ўрганилди. Нефт, газоконденсат ва улар аралашмалари зичлигини аниқлаш тажрибалари ГОСТ 3900-85 бўйича ареометрик усулдан фойдаланиб ўтказилди.  $20\text{-}200^\circ\text{C}$  ҳароратларда таркибида нефт миқдори кам бўлган 30Н+70ГК нефтегазоконденсат аралашмаси зичлиги  $786,57\text{-}635,02\text{ кг/м}^3$ , нефт миқдори кўп бўлган 70Н+30ГК аралашманинг зичлиги эса  $818,56\text{-}665,62\text{ кг/м}^3$  чегараларда камайд.

Фракциялар буғларининг зичлиги  $\rho_r$  ( $\text{кг/м}^3$ ) ҳисоблаш-тажриба йўли билан  $100\div 300\text{ кПа}$  ва  $20\div 350^\circ\text{C}$  чегараларда, корхоналарда нефтни бирламчи ҳайдаш шароити ва ўтказилган тажрибалар соҳаларига мос ҳолатлар учун аниқланди.

Тажрибавий ректификация колоннасида ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра бензин ( $20\div 180^\circ\text{C}$ ), керосин ( $190\div 250^\circ\text{C}$ ) ва дизел ёнилғиси ( $260\div 350^\circ\text{C}$ ) фракциялари буғлари зичлигини  $100\div 300\text{ кПа}$  босимларда ҳарорат таъсирида

бўлаётган барча енгил фракциялар буглари зичлигини ўртача 3 мартага оширади.

Нефт, газ конденсати ва уларнинг аралашмаларини кинематик қовушқоқлиги капилляр услубида, ВПЖ-4 вискозиметри воситасида, ГОСТ 33-2000 (ИСО 3104-94) бўйича аниқланди. Ҳисоблаш-тажриба йўли билан уларнинг  $20 \div 200$  °С ҳароратлардаги қовушқоқлиги куйидаги чегараларда пасайиши аниқланди ( $\text{мм}^2/\text{с}$ ): нефт -  $6,7 \div 0,3$ , газ конденсати -  $1,0 \div 0,1$  ва 30Н+70ГК аралашмаси -  $1,4 \div 0,06$ .




1 - бензин; 2 - керосин; 3 - дизель ёнилғиси  
**3-расм.  $20 \div 250$  °С ҳароратда 70%Н+30%ГК аралашмаси фракциялари дистиллятларининг иссиқлик сифимини ўзгариши**

Ҳисоблаш-тажриба йўли билан 30%Н+70%ГК аралашмаси фракциялари дистиллятларининг иссиқлик сифими жараён ҳароратини  $20 \div 250$  °С ҳароратларда кўтарилиши билан куйидаги чегараларда жадал ортиб бориши аниқланди ( $\text{кДж}/\text{кг}\cdot\text{К}$ ): бензин -  $1,938 \div 4,381$ , керосин -  $1,893 \div 4,087$ , дизель ёнилғиси -  $1,748 \div 3,231$  (3-расм). Расмдаги 1-3 эгри чизиқларнинг нисбий жойлашуви бензин фракцияси

иссиқлик сифимини бошқа фракциялар дистиллятлари иссиқлик сифимига нисбатан юқори бўлишини кўрсатади. Фикримизча, бу ҳолат нефтни ҳайдаш босқичида ИМА жараёнлари учун иссиқлик ташувчини танлашда амалий аҳамиятга эга бўлади.

Диссертациянинг «Тажриба ускунасида нефтегазоконденсат аралашмаларини ҳайдаш жараёнини тадқиқ этиш» деб номланган учинчи бобида нефтегазоконденсат аралашмасини ҳайдаш жараёнини ўрганиш учун яратилган тажриба ускунаси конструкцияси ва ишлаш принципи баён этилган. Ускуна асосан буг қозони, хом ашё учун қиздиргич, ректификация колоннаси, қувурли вертикал дефлегматор, фракциялар дистиллятлари учун сув совуткичлари ҳамда хомашё, дистиллятлар ва мазут учун ўлчовли идишлардан иборат (4-расм).

Ректификация колоннаси ( $D = 210$  мм) бешта клапанли тарелкалар билан жиҳозланган. Колонна бойитувчи ( $D_B = 150$  мм,  $n_T = 3$  та) ва куб қисмлари ( $D_K = 76$  мм,  $H = 760$  мм) ҳамда фланецлар воситасида бириктирилган учта секциядан иборат бўлиб, умумий баландлиги 2200 мм. Контакт тарелкаси ( $D_T = 210$  мм) бортли сегментсимон ясси диск шаклида ишланиб, унга бешта дискли клапанлар (40 мм) ўрнатилган. Ускуна ёпувчиростловчи элементлар ва асосий конструктив узеллардаги иссиқлик ташувчилар сарфи, ҳарорати ва босимини назорат қилувчи асбоблар билан бутланган.




1- буғ қозони; 2 - газ горелкаси; 3 - хомашё қиздиргичи; 4 - ректификация колоннаси; 5 - фланецли бирикма; 6 - клапанли тарелка; 7- қуйилиш пластинаси; 8 - термометрлар; 9 - колоннанинг юқори қисми; 10 - манометрлар; 11 - вертикал дефлегматор; 12 - флегма ажратиш мосламаси; 13 - стриппинг-колонна; 14, 17 - сувли горизонтал совуткичлар; 15, 16 - ўлчов идишлари; 18 - электр қиздиргич; 19 - колоннанинг куб қисми

**4-расм. Углеводородли хомашёни хайдаш учун тажриба ускунаси схемаси**


Буғ ва суяқ фазалари ўртасидаги иссиқлик алмашинишни жадаллаштириш йўлини топиш ва жараён ҳароратининг рационал чегараларини аниқлаш мақсадида

тажрибавий ректификация колоннаси ишчи зоналарида ўзаро таъсирлашувчи оқимлар ҳароратларининг тақсимланиши ўрганилди (5 ва 6- расмлар).



1- кубдаги нефт; 2,3,4,5 ва 6 - колонна тарелкаларидаги дистиллятлар

**5-расм. Нефть хом ашёсини углеводород буғлари билан хайдашда колоннадаги ҳароратни  $t$  вақт  $\tau$  бўйича ўзгариши**




1 - кубдаги нефт; 2,3,4,5 ва 6 - колонна тарелкаларидаги дистиллятлар

**6-расм. Нефть хом ашёсини сув буғлари билан хайдашда колоннадаги ҳароратни  $t$  вақт  $\tau$  бўйича ўзгариши**

Углеводород буғлари (5-расм) ва сув буғи (6-расм) иштирокида нефтни колонна кубдаги  $T_1$  ва бешта тарелкасидаги дистиллятлар ҳароратларини  $T_2$ ,  $T_3$ ,  $T_4$ ,  $T_5$  ва  $T_6$  (саноқ колонна қуйидан юқорига) вақт бўйича ўзгариш чизиқлари таққосланса, хомашёни углеводород буғлари воситасида хайдаш пайтида фракцияларни ажратиш давомийлигини қисқартириш имкониятлари мавжудлигини кўриш мумкин: бензин 20, керосин 10 ва дизел ёнилғиси 5 мин.

7-расмда ҳар учта секциясига бештадан дискли контакт тарелкаси ўрнатилган тажрибавий ректификация колоннасида нефт ва дистиллятлар оқимлари ҳароратларини вақт бўйича тақсимланиши тасвирланган. Расмдаги чизикларни мувоzanат ҳолатига қадар кўтарилиш характери кубдаги нефтни қайнаш нуқтасигача қиздириш жараёнида унинг таркибидан енгил фракцияларни буғланиш суръати билан изоҳланади.

Нефтегазоконденсат аралашмаларини ҳайдаш жараёнида буғлантирувчи агентнинг фракциялар чиқишига таъсирини аниқлаш бўйича ҳам тажрибалар (кубдаги хомашё ҳажми - 3,0 л, буғ сарфи - 3,5 %) ўтказилди (2 ва 3-жадваллар).



1 - кубдаги нефт; 2 - дизел фракцияси; 3 - керосин фракцияси; 4 - бензин фракцияси

**7-расм. Ректификация колоннаси кубини ва тарелкаларидаги нефт ва фракциялар дистиллятлари ҳароратларини вақт τ бўйича ўзгариши**

**2-жадвал**

**30%Н+70%ГК ва 70%Н+30%ГК аралашмаларини сув буғи билан ҳайдаш жараёнида фракциялар дистиллятларининг чиқиши**

№	Фракция	Қайнаш ҳарорати, °C	1- тажриба 30%Н+70%ГК		2- тажриба 70%Н+30%ГК	
			V, мл	чиқиш, %	V, мл	чиқиш, %
1	Бензин	қб-180	1560	52	1200	40
2	Керосин	180-240	455	15,17	450	15
3	Дизель ёнилғиси	240-350	460	15,33	490	16,33
4	Буғланиш	-	125	1,5	115	3,83
5	Қолдиқ	-	400	16	745	24,83
6	Σ	-	3000	100	3000	100

**3-жадвал**

**30%Н+70%ГК ва 70%Н+30%ГК аралашмаларини углеводород буғлари билан ҳайдаш жараёнида фракция дистиллятларининг чиқиши**


№	Фракция	Қайнаш ҳарорати, °C	1-тажриба 30%Н+70%ГК		2-тажриба 70%Н+30%ГК	
			V, мл	чиқиш, %	V, мл	чиқиш, %
1	Бензин	қб -180	1629	54,3	1335	44,5
2	Керосин	180-240	442,8	14,76	436,5	14,55
3	Дизель ёнилғиси	240-350	435,9	14,53	429,9	14,33
4	Буғланиш	-	39	1,3	112,2	3,74
5	Қолдиқ	-	453,3	15,11	686,4	22,88
	Σ	-	3000	100	3000	100

2 ва 3- жадвал маълумотларини таққослаб, сув буғи ўрнига углеводород буғлари ишлатилганда бензинни чиқиши 2,3÷4,5 % ортишига эришиш мумкинлигини кўрамыз. Бу пайтда керосин ва дизел ёнилғисини чиқиши мос равишда, 0,41÷0,5 ва 2,0 % га камаяди, мазут ҳажми эса 1,95 % га қисқаради.

Тажрибаларда жараён ҳароратини кўтарилиши фракциялар чиқишининг кўпайишига олиб келиши ҳам аниқланди. Масалан, нефт углеводород буғлари билан ҳайдалганда (ҳажми 4 л, кубдаги ҳарорат 251 °С) қайнаш ҳарорати 164-171 °С бўлган бензин фракцияси олинди, уни сув буғи билан ҳайдалганда эса бу фракцияни қайнаш ҳарорати 119-127 °С бўлди. Бу пайтда углеводород буғи иштирокида ўтказилган тажрибада ҳосил бўлган бензинни чиқиши  $(V_d/V_n)100 = (1405 \text{ мл}/4000 \text{ мл})100 = 35,1 \%$  ни, сув буғи билан ўтказилган назорат тажрибасида эса ушбу катталиқ  $(850 \text{ мл}/4000 \text{ мл})100 = 21,3 \%$  ни ташкил этди (8-расм).

Расмдан кўринадики, нефтни углеводород буғлари билан ҳайдаш пайтида ҳароратни жадал суръатларда кўтарилиши бензин фракцияси чиқишини ўртача 13,8 % га ортишига, жараён давомийлигини эса 5÷10 мин қисқаришига олиб келади. Бу эса нефтни углеводород буғлари билан бирламчи ҳайдаш босқичида ИМА жараёнларини жадаллаштириш имконияти борлигини кўрсатади.

Юқорида таъкидланганидек, зичлик ва қовушқоқлик ёнилғи фракциялари сифат кўрсаткичларини тавсифлайди. Шу мақсадда нефт, газ конденсати ва улар аралашмаларини сув ва углеводород буғлари воситасида ҳайдаш пайтида олинган бензин, керосин ва дизел ёнилғиси фракцияларининг зичлиги ва қовушқоқлиги 20 °С ҳароратда ўлчанди (4-жадвал).



8-расм. Нефтни углеводород 1 ва сув 2 буғлари билан ҳайдашда бензин фракцияси чиқишини  $V$  вақт  $\tau$  бўйича ўзгариши

4-жадвал

**Хомашё ва фракциялар намуналарининг сифат кўрсаткичлари**

№	Хомашё	Фракциялар	Фракциялар дистиллятларининг кўрсаткичлари			
			Сув буғи воситасида		Углеводород буғлари воситасида	
			$\rho$ , кг/м <sup>3</sup>	$\nu \cdot 10^{-6}$ , мм/с <sup>2</sup>	$\rho$ , кг/м <sup>3</sup>	$\nu \cdot 10^{-6}$ , мм/с <sup>2</sup>
1	Газоконденсат	Бензин	735	0,65	730	0,69
		Керосин	780	1,01	770	0,92
		Дизел ёнилғиси (ДТ)	800	1,72	782	1,02
2	20%Н+80%ГК	Бензин	745	0,73	750	0,75
		Керосин	790	1,32	773	0,97
		ДТ	812	1,89	788	1,37
3	50%Н+50%ГК	Бензин	760	0,99	762	0,79

4-жадвал давоми

		Керосин	805	1,59	781	1,19
		Дизтопливо	818	2,25	800	1,65
4	80%Н+20%ГК	Бензин	780	1,32	772	0,87
		Керосин	818	1,88	787	1,46
		ДТ	824	2,65	814	2,13
5	Нефт	Бензин	792	1,69	778	0,99
		Керосин	820	2,87	805	2,08
		ДТ	830	2,99	822	2,51


4-жадвал маълумотлари таҳлили углеводород буғлари воситасида ҳайдаб олинган фракциялар дистиллятларининг зичлиги ва қовушқоқлиги сув буғини қўллаб олинган дистиллятларнинг ушбу кўрсаткичларидан кичик бўлишини кўрсатади. Бу пайтда дистиллятлар зичликлари ўртасидаги фарқлар фракциялар бўйича куйидаги чегараларда бўлади: бензин учун  $-0,7 \div 1,8$  %, керосин учун  $-1,3 \div 1,8$  % ва дизель ёнилғиси учун эса  $+1 \div 2,3$  %.

Аралашмаларда нефт миқдорини ортиши билан дистиллятлар қовушқоқлигининг нисбатан нотекис ўсиши кузатилди. Углеводород буғлари билан ҳайдаб олинган дистиллятлар қовушқоқлиги қийматларининг чегаралари (назорат синовларига нисбатан) куйидагича ( $\nu$ , м/с<sup>2</sup>): бензин фракциялари учун  $0,65 \div 1,69$  дан то  $0,69 \div 0,99$  гача (ёки  $6,2 \div 30$  %), керосин фракциялари учун  $1,01 \div 2,87$  дан то  $0,92 \div 2,08$  гача (ёки  $9,8 \div 38$  %) ва дизель ёнилғиси учун  $1,72 \div 2,99$  дан то  $1,02 \div 2,51$  гача (ёки  $68,6$  дан то  $19,1$  % гача тушади).

Таъкидлаш лозимки, дистиллятларни 4-жадвалда келтирилган зичлиги ва қовушқоқлиги қийматлари уларнинг технологик регламентда белгиланган қийматлари чегараларига мос келади. Бу эса углеводородли хом ашё буғларидан фойдаланиб ректификация жараёни ҳароратини пасайтириш мумкинлигини ва хомашёни муқобил (сувсиз) ҳайдаш технологияси истиқболини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш амалиётида ректификация колоннаси тубига ўрнатилган тарелка клапанларини қуюқ нефт билан тикилиб қолиш ҳолатлари мавжуд. Бунинг сабаби мазут, мумлар ва бошқа чўкиндиларни юқори ҳарорат таъсирида клапанлар ва тарелка юзаларига ёпишиб куйиши натижасида дашқол ҳосил бўлишидир. Натижада колоннанинг ушбу зонасида гидродинамик шароит ёмонлашади. Шу сабабдан, ректификация колоннаси куйи қисмини ишлатиш ва таъмирлаш шароитларини енгиллаштириш мақсадида бу зонадаги клапанли тарелкани ағдарма типдаги тарелкага алмаштириш ечими тавсия этилди. Бундай тавсия қўлланилаётган клапанли, муқобил S- шакли ва тавсия этилган ағдарма типлардаги контакт тарелкаларининг суяқлик-буғ аралашмаси оқимига кўрсатадиган гидравлик қаршиликларини таққослаш, уларни колоннадаги гидродинамик ва технологик режимларга кўрсатадиган таъсир даражасини баҳолаш асосида ишлаб чиқилди (9-расм). Расмдан кўринадик, ағдарма типдаги тарелка энг кичик қаршиликка эга бўлиб, у колонна туби қаршилигини орттирмайди ва ундаги гидродинамик шароитга таъсир этмайди.






9-рasm. Клапанли, S-шаклли ва ағдарма типдаги тарелкалар гидравлик қаршилигини  $\Delta P$  колоннадаги суюқлик-буғ аралашмаси оқими тезлигидан  $w$  боғлиқ ўзгариши

радорлигини ошириш, унинг конструкциясини такомиллаштириш ва углеводород буғларидан фойдаланиб ҳайдаш жараёнининг иссиқлик ва гидродинамик режимларини яхшилаш борасида тавсиялар бериш бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларини амалга ошириш жиҳатлари кўриб чиқилган.

30%Н+70%ГК аралашмасини бирламчи ҳайдаш ускунасининг технологик



10-рasm. Бухоро атмосфера босими нефтегазоконденсат аралашмасини схемаси

Тавсия этилган техник ечим клапанларни тарелка тешикларидан чиқариб олиш йўли билан амалга оширилади ва колонна туб қисмини ишлатиш ва таъмирлаш шароитини енгиллаштиради.

Диссертациянинг «Нефтегазоконденсат аралашмасини ректификациялаш жараёни иссиқлик самарадорлигини оширишнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари» деб номланган тўртинчи бобида Бухоро НҚИЗ шароитида мураккаб ректификация колоннасининг иссиқлик сама-

тизими (10-рasm), ускуна таркиби, жараёнларни амалга ошириш кетма-кетлиги ҳамда ёнилғи фракциялари ва мазутни тавсифлари келтирилган. Бирламчи ҳайдаш ускунасининг хомашёни дастлабки фракцияларга ажратиш 10C01 ва уни бирламчи ҳайдаш 10C02 колонналарининг моддий баланслари бажарилган.

Ишчи аралашма колоннага буғ-суюқлик оқими ҳолатида берилиши ва ҳайдаш даврида у оғир нафта, керосин, енгил ва оғир газойл фракцияларига ажратилишини ҳисобга олиб, 10C02 колоннасининг иссиқлик баланси тузилди (5-жадвал).


## 10C02 ҳайдаш колоннасининг иссиқлик баланси

Оқимларнинг номланиши	Массавий сарф, кг/соат	Ҳарорат, °С	Энтальпия, кЖ/кг	Иссиқлик миқдори, кВт
<b>Иссиқликни келиши</b>				
Ишчи аралашма:	105508,3			
а) буғ фазаси	103398,1	350	1126,05	32342,063
б) суёқлик фазаси	2110,2	350	921,647	540,239
Сув буғи	3446,7	350	3160	3025,436
<b>Жами</b>	<b>108955</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>35907,738</b>
<b>Иссиқликни сарфланиши</b>				
Оғир нафта $D_2$	61898	180 (453 К)	419,789	7217,805
Керосин $R_4$	15475	170 (443 К)	382,114	1642,559
Енгил газойл $R_3$	11957	235 (508 К)	547,318	1817,856
Оғир газойл $R_2$	7034	295 (568 К)	706,49	1380,403
Мазут	9144	325 (598 К)	751,541	1908,914
Сув буғи	3446,7	180	2837,89	2717,043
<b>Жами</b>	<b>108954,7</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>16684,58</b>

5-жадвал материаллари асосида ўта қиздирилган сув буғи билан бевосита колоннага киритилаётган иссиқлик миқдори 308,4 кВт ҳамда колонна юқори қисмини совутилган оғир нафта оқими билан бевосита суғориш ва учта оралик циркуляцион оқимлар (ПЦО) тизимлари орқали утилизация қилинадиган иссиқлик миқдори 19223 кВт аниқланган. Колоннани суғорувчи совутилган технологик оқимлар ҳисоби фракциялар дистиллятларини ректификация колоннасидан чиқариб олиш нуқталаридаги жараённинг моддий ва иссиқлик баланси тенгламаларини биргаликда ечиш асосида бажарилди.

Флегма сонини ректификация колоннаси самарадордлигига таъсирини белгилаш мақсадида, унда совутилган оқим билан суғориш жараёнини ташкил этилиши таҳлил этилди. Таҳлил колоннанинг технологик параметрлари ва амалдаги ишчи режими бўйича, 30%Н+70%ГК ишчи аралашма ва фракциялар хоссаларини эътиборга олиб, ҳисоблашлар йўли билан амалга оширилди.

Ректификация жараёнини амалга ошириш учун энергия сарфи ва колоннанинг режимли параметрларини аниқ ростлаш имконияти флегма сонидан боғлиқ бўлади. Шу сабабдан, флегма сонини нефтегазоконденсат аралашма-



11-расм. Нефтегазоконденсат аралашмасини ҳайдашда флегма сонини  $\Phi$  флегма сарфи  $D$  боғлиқ ўзгариши

сини бирламчи ҳайдаш самарадорлигига таъсирини белгилаш учун флегма сони  $\Phi$  ва флегма сарфи  $D$  ўртасидаги боғлиқлик таҳлил қилинди (11-расм).

Ҳисоблашлар колоннанинг юқори қисмини суғорувчи совутилган оғир нафта (флегма) сарфини  $D$  унинг ўрнатилган қийматига  $D_{он} = 61898$  кг/соат нисбатан каррали камайиши (1:2,5;  $61898 \div 24759$  кг/соат) ва уни уч маротаба-гача ортиши (3:1; 18569 кг/соатгача) ҳолатлари учун бажарилди.


11-расмдан кўришиб турибдики, суғорувчи совуқ оқимнинг қуйи сарфида (номинал режимга нисбатан 2,5 марта кам бўлганда)  $\Phi_{max} = 2.3$ . Келгусида, суғорувчи оқим сарфининг ортиши билан, флегма сони қиймати  $\Phi_{min} = 0.79$  гача камаяди. Фикримизча, флегма сонини энг кичик қиймати  $\Phi = 0,8$  ва  $T_{01} = 180$  °С ҳароратли флегма оқими сарфи  $D_{он} = 123796$  кг/соат бўлган ҳолатни графикда ифодаловчи фарқли нуқта ректификация колоннаси юқори қисмини суғорувчи совуқ оқимнинг рационал режимини тавсифлайди.

Атмосфера босимида ҳайдаш колоннасининг юқорида келтирилган иш шароитларида флегма сони  $\Phi$  ва унинг ҳароратини ўзгариши ўртасидаги боғлиқлик ҳам таҳлил қилинди. Ҳисоблашлар флегма сарфини колоннада ўрнатилган қиймати  $D_{он} = 61898$  кг/соат ва суғорувчи оқим ҳароратини  $180 \div 136$  °С ораликда ўзгариш ҳолати учун амалга оширилди (12-расм).

Расмдан кўринадики, оғир нафта оқимининг бирламчи ҳарорати  $T = 176$  °С бўлганда флегма сонининг энг кичик қийматига  $\Phi = 0,86$  эришилади. Фикри-мизча, бу ҳолат колоннага қайтариладиган суюқлик ҳарорати 180 дан 136 °С гача ораликда ўзгариши пайтидаги совуқ суғоришнинг рационал режимини кўрсатади.

Колоннани совутувчи учта циркуляцион оқимлар ЦО1 (66377,2), ЦО2 (127629,4) и ЦО3 (63966,2) сарфлари (кг/соат) ҳам тегишли тарелкалар оралиғида жойлашган участкаларнинг моддий ва иссиқлик баланси тенгламаларини биргаликда ечиш асосида аниқланди, улар воситасида колоннадан ажратиб олинаётган ортиқча иссиқликнинг умумий миқдори  $Q_{цо} = 8927,34$  кВт ташкил этади.

Бухоро НҚИЗ шароитида нефтегазоконденсат аралашмасини ректификациялаш жараёнининг иссиқлик самарадорлигини оширишнинг технологик услубларини ишлаб чиқаришга жорий этишдан кутиладиган йиллик иқтисодий самарадорлик (млн. сўм) углеводород буғларини қўллаш (741,73), жараённинг иссиқлик режимларини яхшиланиши натижасида бензин фракцияси чиқишини ортиши (321,544) ҳамда ускунада ҳосил бўладиган нордон айланма сувларни тозалаш (74,82) ва нейтраллаш (1,273) харажатларини қисқариши натижасида эришиладиган самаралардан иборат бўлиб, 1139,367 млн.сўмни ташкил этади.



12-расм. Нефтегазоконденсат аралашмасини ҳайдашда флегма сонини  $\Phi$  суғорувчи оқим ҳароратидан  $T$  боғлиқ ўзгариши

## ХУЛОСА

1. 30%Н+70%ГК нефтегазоконденсат аралашмасини углеводород буғлари билан ҳайдаш (сув буғи билан ҳайдашга нисбатан) жараёнида бензин (+0,5 %) ва керосин (+1,5 %) чиқиши ортади; дизел ёнилғисининг чиқиши эса (-1,7 %) камаяди. Бу пайтда фракциялар дистиллятларининг зичлиги ўртача  $5 \text{ кг/м}^3$  га камаяди, уларнинг қовушқоқлиги ( $\text{мм}^2/\text{с}$ ) пасаяди: бензин 0,04 га, керосин 0,077 га, дизел ёнилғисининг қовушқоқлиги эса 0,001 га ортади.

2. Нефтегазоконденсат аралашмаси, фракция дистиллятлари ва буғларининг асосий физик-кимёвий ва иссиқлик-физик хосса кўрсаткичларининг ҳарорат таъсирида ўзгариш чегаралари белгиланди: хомашё учун  $\rho = 842 \div 778 \text{ кг/м}^3$  и  $\nu = 0,78 \div 0,076 \text{ мм}^2/\text{с}^2$  ( $20 \div 150 \text{ }^\circ\text{Сда}$ ) ва  $c = 1,822 \div 2,855 \text{ кДж}/(\text{кг} \cdot \text{К})$ ,  $\lambda = 0,178 \div 0,156 \text{ Вт}/(\text{м} \cdot \text{К})$  ( $20 \div 250 \text{ }^\circ\text{Сда}$ ); дистиллятлар иссиқлик сиғими ( $20 \div 250 \text{ }^\circ\text{Сда}$ , кДж/кг·К): бензин -  $1,94 \div 4,38$ , керосин -  $1,89 \div 4,09$  ва дизель ёнилғиси -  $1,75 \div 3,23$ .

3. Ҳароратни  $20 \div 350 \text{ }^\circ\text{С}$  ораликда ортиши билан фракциялар буғларининг зичлиги камаяди: бензин 1,54, керосин 1,13 ва дизел ёнилғиси 1,17 маротаба. Бу пайтда колоннадаги босимни  $100 \div 300 \text{ кПа}$  чегараларда кўтарилиши билан фракциялар буғларининг зичлиги ўртача 3 марта ортади.

4. Моддий оқимлар ҳароратини ректификация колоннаси баланлиги бўйлаб тақсимланиши асосида нефтни углеводород буғлари билан ҳайдаш жараёнида ёнилғи фракциялари ишлаб чиқариш давомийлигини қисқартириш имконияти мавжудлиги аниқланди (мин): бензин 20, керосин 10 ва дизель ёнилғиси 5 мин.

5. Ректификация колоннасини эксплуатация қилиш, таъмирлаш ва ундаги гидродинамик шароитларни яхшилаш мақсадида колоннанинг туб қисмидаги клапанли тарелкани ағдарма типдаги тарелкага алмаштириш бўйича техник ечим тавсия этилди.

6. Ректификация колоннасининг юқори қисмини совутилган оғир нафта оқими билан суғоришнинг рационал режими (флегма сони  $0,8 \div 0,9$ , сарфи  $123,8 \text{ т/соат}$  ва ҳарорати  $176 \div 180 \text{ }^\circ\text{С}$ ) нефтегазоконденсат аралашмасини бирламчи ҳайдаш жараёни самарадорлигини 20-30 % ( $3952 \text{ кВт}$ ) га ошириши мумкинлиги аниқланди. Нефтегазоконденсат аралашмасини углеводород буғлари восита-сида ректификациялаш жараёнининг иссиқлик самарадорлигини оширишдан кутиладиган йиллик иқтисодий самара  $1139,4 \text{ млн. сўми}$  ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 03/30.12.2019.Т.04.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**РАДЖИБАЕВ ДИЛШОД ПАТИДИНОВИЧ**

**ПОВЫШЕНИЕ ТЕПЛОВОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ РЕКТИФИКАЦИИ  
НЕФТЕГАЗОКОНДЕНСАТНЫХ СМЕСЕЙ**

**02.00.08 - «Химия и технология нефти и газа»**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.4.PhD/T163.

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии АН РУз.  
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.tkti.uz](http://www.tkti.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyounet» по адресу [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)

**Научный руководитель:** Худайбердиев Абсалом Абдурасулович  
доктор технических наук, с.н.с.

**Официальные оппоненты:** Фозилов Садриддин Файзуллаевич  
доктор технических наук, профессор  
Рахмонов Тойир Зоирович  
доктор технических наук, доцент


**Ведущая организация:** «O'ZLITINEFTEGAZ» АЖ


Защита диссертации состоится «22» 12 2021 г. в «11<sup>00</sup>» часов на заседании Научного совета DSc 03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, г.Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20; факс (99871) 244-79-17; e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz)).


Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № 183 с которой можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г.Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел: (99871) 244-79-21.

Автореферат диссертации разослан «25» 11 2021 года  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_ от «25» 11 2021 года



  
**Туробжонов С.М.**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученой степени, д.т.н., проф.

  
**Кодиров Х. И.**  
Член секретарь Научного совета по присуждению  
ученой степени д.х.н., проф.

  
**Рахмонбердиев Г.Р.**  
Председатель Научного семинара при научном совете  
по присуждению ученой степени д.х.н., проф.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В настоящее время в мире проводятся исследования по разработке энергоэффективных технологий, основанные на совершенствовании процесса ректификации нефти и полной утилизации тепла горячих технологических потоков, выходящих из ректификационной колонны. При этом особое внимание уделяется решению технологических проблем тепловой подготовки углеводородного сырья к перегонке и повышению качества дистиллятов топливных фракций. Следовательно, задачи по совершенствованию технологии первичной перегонки углеводородного сырья и повышению точности его фракционного разделения имеют большое значение при производстве высококачественных нефтепродуктов, отвечающих требованиям международных стандартов.

В мире, технология производства моторного топлива основана на сложной перегонке жидкого углеводородного сырья перегретым водяным паром, и в силу большой энергоемкости этого процесса ведутся научные исследования по его оптимизации. В связи с этим, особое внимание уделяется выявлению распределения температуры паровой и жидкой фаз по высоте тарельчатой ректификационной колонны, разработке современных энергоэффективных способов и устройств для получения качественных дистиллятов, расширению области их применения, а также выявлению влияния гидродинамических режимов потоков на эффективность работы ректификационной колонны.

В нашей республике достигнуты определенные результаты в области повышения эффективности технологии первичной перегонки нефти и создания компактных, интенсивных конструкций ректификационной колонны. В третьем направлении стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи по модернизации и диверсификации промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, широкого внедрения энерго- и ресурсосберегающих технологий на практике<sup>1</sup>. В связи с этим большое значение имеют научные исследования, направленные на оптимизацию тепловых и гидродинамических режимов нефтеперегонной установки, увеличению доли использования тепла технологических потоков на этапе подогрева сырья и модернизацию основного оборудования нефтеперегонной установки - ректификационной колонны на основе интенсификации происходящих в ней процессов тепло- и массообмена (ТМО).

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах и Постановлениях Президента Узбекистана № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 го-

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

дах», № ПП-2901 от 19 апреля 2017 г. «О совершенствовании порядка организации проектных работ в нефтегазовой отрасли», № ПП-3238 от 23 августа 2017 г. «О мерах по дальнейшему внедрению современных энергоэффективных и энергосберегающих технологий» и № ПП-4077 от 25 декабря 2018 г. «О мерах по ускорению процесса модернизации производственных мощностей, технического и технологического перевооружения отраслей промышленности» и в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике: VII. Химические технологии и нанотехнологии.

**Степень изученности проблемы.** Научными исследованиями, направленными на развитие технологии переработки углеводородного сырья, разработку новых и усовершенствование существующих конструкций технологического оборудования, оптимизацию технологических режимов перегонки нефти, а также сбережение материальных и тепловых ресурсов занимались С.А. Ахмедов, О.Ф. Глаголева, В.М. Капустин, А.К. Мановян, А.И. Александров, А.И. Скобло, А.С. Багатуров, З. Салимов, Н.Р. Юсупбеков, А. Артиков, Р.Ч. Ли, Ш.М. Сайдахмедов, С.М. Турабжонов, С.А. Абдурахимов, Т.З. Рахмонов, О.Р. Абдурахмонов, А.М. Хурмаматов, А.А. Худайбердиев и другие.

В результате проведенных ими исследований усовершенствованы способы переработки нефти, развиты теоретические основы технологических процессов, уточнены методики расчета и проектирования оборудования, обосновано применение углеводородных паров в процессе перегонки нефти, а также моделированы процессы нагревания, дистилляции и перегонки многокомпонентных растворов и жидких углеводородных смесей с последующим внедрением этих разработок в промышленность.

